

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 28 сентябрь
сешанба
№ 39 (1295)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



“ИШНИ БАЖАРДИМ, ҲАҚКИМ
НИМА БЎЛАДИ, БОЙ ОТА?”

4-БЕТ

ПЕНСИЯ ЖАМФАРМАСИНИНГ
“РАД” ЖАВОБИ ЎТМАДИ

7-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН
КАРДОШЛАР НИГОҲИДА...

8-БЕТ



1 октябрь — Ўқитувчи
ва мураббийлар кuni

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Алишер НАВОИЙ

Устоз — муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қаро бўларди жаҳон.

Абдураҳмон ЖОМИЙ

Кимки, устозсиз иш бошлаган
бўлса, иши ва амали самара
қозонмайди, устознинг этаги-
ни тутиб шод бўл, бир муддат
устозга хизмат қилгинда, сўн-
гра ўзинг устоз бўл.

Ҳусайн Воиз ҚОШИФЙ

Мактаб — дунё иморат-
ларининг энг муқаддаси ва
қадрлисидир. Мактабнинг чин
ва ҳақиқий маъносини билган
миллатлар жонлари, моллари
билан ҳиммат ва гайратла-
рини сарф этиб, миллатнинг
тараққийи ривожига ижтиҳод
қилурлар.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.

Абдулла ОРИПОВ

БИЗ НИМА УЧУН
“ИНСОН ВА ҚОНУН”НИ
ЎҚИЙМИЗ?

ТАҲРИРИЯТГА
ЎЗМАСАК,
ИШИМИЗ БИТМАС
ЭДИ



ГАЗЕТА ЁРДАМ
БЕРДИ, МАШИНА
ЎЗИМДА ҚОЛДИ



“ИНСОН ВА
ҚОНУН”ДАН
МИННАТДОРМАН!



ТАНҚИДИЙ
МАҚОЛА БИЗГА
КЎМАК БЕРДИ



3-БЕТ

**Гулноза РАХИМОВА,**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссиясининг доимий
аъзоси

Жаҳонда давлат раҳбарлари ваколат муддатларини чеклашнинг беш тури мавжуд

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади. Ушбу беш йиллик муддат жаҳондаги умумий тенденцияга мос бўлиб, БМТга аъзо 193 мамлакатдан 95 тасида давлат раҳбарлари 5 йил муддатга сайланади. Франция, Германия, Венгрия, Греция, Ҳиндистон, Словакия, Словения, Жанубий Корея каби мамлакатлари бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Миллий қонунчилигимизда Президентликка номзодларга қўйиладиган талаблар жаҳон стандартларига тўла мос келади. Сайловларга оид йўл-йўриқ тамойилларида умумий сайлов ҳуқуқи муайян шарт-шароитларга қўра чекланиши мумкинлиги қайд этилади. Бундай чекловлар сифатида ёш, фуқаролик, мамлакат ҳудудида муайян вақт яшаш муддати, жиддий ҳуқуқбузарлик учун ҳукм қилинганлик кабилар кўрсатиб ўтилган.

Конституциявий қурилишнинг халқаро амалиётида давлат раҳбарининг ваколат муддатини чеклаш институти мавжуд. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Президент бўлиши мумкин эмаслигига оид қоида биринчи марта дунё конституционализмида АҚШ Конституциясига йигирма иккинчи тузатиш билан 1947 йил 21 мартда киритилган.

Жаҳонда давлат раҳбарлари ваколат муддатларини чеклашнинг беш тури мавжуд. Масалан, Озарбайжон, Беларусь, Беливия, Исландия, Италия, Кипр, Коста-Рикада умуман чекловчи қоида йўқ. Венесуэлада эса, чексиз қайта сайланиш учун махсус рухсат берувчи қондалар мавжуд. Узлуксиз муддатларни чеклаш, максимал муддатни ўрнатмасдан сайланишни Перу, Сан-Марино, Уругвай, Чили, Швейцарияда кўриш мумкин. Муайян муддатни ўрнатиб қоида Албания, Жазири, Венгрия, Греция, Ирландия, Косово, Македония, Польша, Португалия, Руминия, Сербия, Тунис, Туркия, АҚШ, Хорватия, Черногория, Жанубий Африкада амал қиладди. Муайян узлуксиз муддатни белгилаш, яъни икки муддат сайланиш Австрия, Аргентина, Арманистон, Болгария, Босния ва Герцеговина, Бразилия, Германия, Грузия, Исроил, Қозоғистон, Латвия, Литва, Молдова, Россия, Словакия, Словения, Украина, Финляндия, Франция, Чехия, Эстонияда мавжуд. Қайта сайланишнинг тўлиқ тақиқланиши тартибининг эса, Жанубий Корея, Мальта, Мексика қонунчилигида кўриш мумкин. Ўзбекистон қонунчилигида эса, қайд этилган узлуксиз муддатларни белгилаш, яъни икки муддат сайланиш тури мустаҳкамланган.

Сайлов кодексининг 61-моддасига қўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодлар қўйидаги турт

талабга жавоб беришлари шарт. Биринчидан, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги зарур, яъни ёш цензи ҳисобга олинади.

Иккинчидан, давлат тилини яхши билиши шарт. Яъни, тил цензига аҳамият берилади. Учунчидан, бевосита сайловга камидан ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муҳим яшаётган бўлиши керак. Ўтроқлик цензи ҳисобга олинади. Тўртинчидан, фуқаролик цензига эътибор қаратилади — номзод Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши зарур.

Конституцияда номзодларга бундай талабларнинг қўйилиши бежиз эмас, албатта. Масалан, Сайлов кодексининг 4-моддасида мустаҳкамланган умумий сайлов ҳуқуқининг муҳим принципи — номзод ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги талабидир. Яъни, сайлов қуни ўттиз беш ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси президент лавозимига сайланиш ҳуқуқига эга. Айнан мана шу ёшда инсон аниқ фуқаролик ва сиёсий позицияларга, зарур ҳаётий тажрибага, жамиятда маълум эътиборга ва обрўга эга бўлган шахс сифатида ҳар томонлама шаклланади.

Хорижий мамлакатлар қонунларида Президентликка сайланувчиларнинг ёши турлича белгиланган. Масалан, номзод Колумбияда 30 ёшдан, Австрия, АҚШ, Бразилия, Мексика, Чили, Кипр, Индонезия, Исландия, Ҳиндистон, Польша, Россия, Португалияда 35 ёшдан, Арманистон, Чехия, Эстония, Германия, Ироқ, Молдова, Покистон, Жанубий Корея, Филиппинда 40 ёшдан, Италияда эса, 50 ёшдан Президентлик сайловида иштирок эта олади.

ТИЛ БИЛАН — ЭЛ БИЛАДИ

Конституциямизга мувофиқ фуқаролар жанси, irqий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеи, маълумоти, машғулотнинг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Президентликка номзод давлат тилини яхши билиши талаб белгиланган. Бу тўла асосланган чинакам демократик талабдир. Давлат тили жамият ва миллатнинг асосий рамзи ҳисобланади. Президентликка номзод ўз мамлакат фуқароларининг дунёқарашини, тафаккурини,

халқнинг озу-умидларини яхши англайдиган, бундай интилишларни давлат фаолиятида амалга ошира оладиган шахс бўлиши керак.

Шу боис, Президент бўладиган шахс халқ билан эркин мулоқот қила олиши, ўз фикрини аҳолига тушунарли тилда баён этиши, давлат тилида ёзилган ҳужжатлар билан мустақил ишлаш имкониятига эга бўлиши керак.

Номзодларга тилни билиш бўйича талаб МДҲга аъзо оплита давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистон, Украинанинг конституцияларида қайд этилган.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

Ўтроқлик цензи нима учун муҳим? Конституция ва Сайлов кодексига қўйилган бу талабга қўра, бевосита сайловга камидан 10 йил республика ҳудудида муҳим яшаган Ўзбекистон фуқароси президентликка номзод бўлиши мумкин. Нега айнан камидан ўн йил, деган савол пайдо бўлиши табиий. Энг аввало, мамлакат Президенти тақдирини ва ҳаёти ўз халқининг тақдирини ва ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган шахс бўлиши лозим.

Ўн йил — бу бир одам учун халқ билан ҳамнафас яшаш, мамлакат ва унинг минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишининг аҳоли ва истиқболларини яхши билиши учун етарли давр. Қолаверса, 10 йил сайловчилар учун номзод билан яқиндан танишиш ва унинг амалий ишлари асосида эркин танлов қила олиш учун зарур даврдир. 10 йиллик ўтроқлик цензи қўллаб демократик мамлакатларнинг сайлов амалиётида энг қўлланиладиган муддат ҳисобланади.

АҚШ Конституциясига биноан, президентлик сайлови пайтида, АҚШ Президенти лавозимига номзод 35 ёшда ёки ундан катта, АҚШда тутилган ҳамда у ерда сўнгги 14 йил ичида доимий яшаган бўлиши шарт.

ДАВЛАТ ИШИ ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

Конституциямизнинг 32-моддасига мувофиқ жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига

фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эга. Бу борада фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам фаол ҳуқуққа, яъни сайлаш ҳуқуқига, ҳам пассив ҳуқуққа, яъни сайланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасига қўра, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахсининг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисиде ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди.

Айрим мамлакатларда фақат туғилиш орқали фуқароликка эга бўлган шахсларига Президент бўлиб сайланиши мумкин. АҚШ, Колумбия, Мўғулистон, Филиппин, Финляндияда фуқароликка кейинчалик эга бўлганлар Президентликка сайланиш ҳуқуқига эга эмас.

МАЪНАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЛАБ

Сайлов кодексининг 61-моддасига мувофиқ қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

Халқаро ҳуқуқ амалиётида бу қоидага, биринчи навбатда, маънавий-ҳуқуқий талаб сифатида қаралади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими гоят юксак макомга эга. Бу шахс юрт тақдирини, шу мамлакатда ҳаёт кечираётган миллионлаб одамларнинг фаровон ҳаёти учун масъулдир. Шунинг учун номзод муносиб ҳулқ-атвори, интизоми, масъулияти, оддий ҳаётда ҳам, қундалик ҳаётда ҳам, давлат фаолиятида ҳам қонунга бўйсунушида барчага намуна бўлиши керак.

Бу талаб халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва тамойилларига, демократик мамлакатларнинг сайлов амалиётига тўлиқ жавоб беради. Давлат раҳбарининг умумий ва тўғридан-тўғри сайлови қўзда тутилган Австрия, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Кипр, Молдова, Туркия, Тожикистон каби мамлакатларда конституциялар ва қонун ҳужжатларида жиноят содир

этанлик, шу жумладан, оғир, ўта оғир ёки ҳарбий жиноятлар учун ҳукм қилинганларнинг, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг сайланиш ҳуқуқини чеклаш белгиланган.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДГА НИСБАТАН БОШҚА ТАЛАБЛАР ҲАМ БОР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасига қўра, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган. Шу сабабли диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари номзод этиб рўйхатга олинмайди. Шунингдек, давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмагани каби диний ташкилотлар ва уларнинг хизматчилари ҳам давлат сиёсатида аралашмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни бирликлда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари — диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари диний ташкилотларда меҳнат шартномалари бўйича ишлаётган фуқаролардир. Улар ўз хизмат вазифасига қўра ибодат, расм-русумлар ва маросимларни адо этиш билан махсус шугулланадилар. Бундай шахсларнинг номзод этиб рўйхатга олинмаслиги улар эгаллаб турган касбнинг ўзига хослигидан келиб чиқади.

Бу ҳолатни диний хизматчиларнинг ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблашмаслик керак. Чунки шахс агар президентликка сайланмоқчи бўлса, эгаллаб турган лавозимдан бўшаши лозим. У шундан кейин номзод этиб рўйхатга олиниши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, қуртимизда сайлов қонунчилиги ва амалиёти, жумладан, президентликка номзодларга қонун йўли билан қўйилган талабларнинг барчаси умум эътироф этилган демократик мезонлар ва стандартларга тўла жавоб беради.

БИЗ НИМА УЧУН “ИНСОН ВА ҚОНУН”НИ ЎҚИЙМИЗ?

Газета ёрдам берди, МАШИНА ЎЗИМДА ҚОЛДИ

БОШИМИЗГА бир ташвиш тушувди. Ўшанда “Инсон ва қонун” газетаси ёрдам берди.

Гап шундаки, бундан анча йиллар олдин Фаргона вилоятидан сотиб олган автомашинамиз илгари собиқ “Замин банк” (ҳозирги “Ипотека банк”) Фаргона филиалидан ажратилган кредит таъминоти учун гаровга қўйилган, Фаргона вилоятидаги транспорт воситаси тақиқлар рўйхатига киритилган экан. Аммо шу боис транспорт воситаси тақиқлар рўйхатига киритилган экан. Аммо шундан кўра нотариуси маълумотлар базасини яхши текширмай, машинанинг гаровда эмаслиги ҳақида хусусий нотариуснинг олди-сотдидан олдинги эгаси ўртасидаги нотўғри жавоб қайтарган. Натижада биз ва автомашина сўровномасига нотўғри жавоб қайтарган. Натижада биз ва автомашина сўровномасидаги олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган. Бироқ...

Бироқ вақт ўтиши билан банк кредитни ундириш юзасидан судга даъво ариза киритган. Пировардида суд даъвои қаноатлантириб, ундирувни во ариза киритган. Пировардида суд даъвои қаноатлантириб, ундирувни во ариза киритган. Пировардида суд даъвои қаноатлантириб, ундирувни во ариза киритган. Пировардида суд даъвои қаноатлантириб, ундирувни во ариза киритган.

Шундан сўнг ижро ҳаракатлари томонидан автомашина жарима майдонига олиб бошқармаси ходимлари томонидан автомашина жарима майдонига олиб кириладиган бўлди. Ана шундагина биз муаммодан хабар топганмиз. Мазкур масаланинг ечими юзасидан амалий ёрдам сўраб, “Инсон ва қонун” газетасига мурожаат қилганман.

Албатта, мурожаатим бўйича газета муҳбири томонидан журналистик суриштирув ўтказилиб, мақола чоп этилди. Натижада прокуратура органлари томонидан айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди, машина эса ўзимизга қайтарилди.

Шундан буён мен “Инсон ва қонун”ни ўзимнинг, оиламизнинг ҳуқуқий маслаҳаттўйи деб биламан. Ҳар йили газетага биринчилар қаторида обуна бўламан. Ҳатто ҳамкасбларим ва қариндош-уруғларим ҳам газетани мendan олиб ўқийдиган бўлишди.

Шундай экан, мен юртдошларимизни ва газета муштарийларини, бўлажак ҳуқуқшуносларни “Инсон ва қонун”га келгуси 2022 йил учун ҳам обуна бўлишларига чақириб қоламан.

Тоҳиржон ҲОЛИҚЧАЕВ,
нафақадаги ўқитувчи, Чуст тумани

“Инсон ва қонун”дан МИННАТДОРМАН!

БУНДАН салкам ўн беш йил аввал шаҳардаги ташландиқ ерни шартномага асосан ободонлаштириш ва боғ барпо қилиш учун 20 йил муддатга ижарага олгандим. Бундан шаҳар ҳокимлиги масъуллари ҳам яхши хабардор эди. Ҳокимлик менга ободонлаштириш ва дарахт экишимга рухсат берганидан кейин ўша ерни тошлардан тозалаб, дарахт экиб, боғ қилишга киришдим. Сув тортиб келиш, ерни кўкаламзорлаштириш ва ниҳол экиш билан боғлиқ ишларга бор маблағимни сарфладим. Салкам 300 туп олма, олча, шафтоли, гилос, ўрик дарахти кўчатлари экиб, парварिश қилдим. Дарахтларим энди ҳосилга кирганда, шаҳар ҳокимининг қарори билан менинг боғим ўрнида тадбиркорга кўп қаватли турар жой биноси қуришга рухсат берилди. Натижада, боғимдан айрилдим.

Адолат излаб саккиз йил сарсон бўлдим. Судлар мени эмас, пулдорларни ҳимоя қилди. Сўнгги умид билан “Инсон ва қонун” газетасига мурожаат қилдим. Газетада эълон қилинган “Ҳаққини сўраганнинг ҳалқумидан олиш керакми?” деган журналист суриштирувидан сўнг шахсан Навоий шаҳар ҳокимининг ёрдами билан қурувчи тадбиркор кесилган дарахтларим учун товон пули тўлаб берди. Шаҳар ҳокими ҳамда “Инсон ва қонун” газетасидан бутун умр миннатдорман. Ҳар гал газетани ўқиганимда, кимларнингдир бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани тўғрисидаги мақолаларни ўқиб, хурсанд бўламан. Газетага ҳар йили обуна бўламан. Бу йил ҳам севимли газетамизга обуна бўлишни унутмайман!

Салим ҲАЗРАТОВ,
навоийлик меҳнат фахрийси

Танқидий мақола БИЗГА КЎМАК БЕРДИ

“Инсон ва қонун” газетасининг шу йил 2 март сонида “Гапни гапир уққанга” сарлавҳали танқидий мақола чоп этилиб, унда Каттақўрғон туманидаги 66-умумтаълим мактабидаги бир қатор муаммолар қаламга олинганди. Хусусан, ўқувчиларнинг давомати, синф журналларининг бетартиблиги, бундан-да ёмони — дарсга қатнашмаган ўқувчиларга баҳо қўйилгани, ўқувчилар билimini баҳолашда кўзбўямачиликлар юз бергани қайд этилганди. Мақола чоп этилганда сўнг туман халқ таълими бўлимининг сайёр мажлиси айнан шу мактабда ўтказилди. Мазкур маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирокида тумандаги барча мактаб директорлари, илмий бўлим мудирилари, да мақолада тилга олинган хато ва камчиликлар таҳлил қилинди. Келгусида бошқа таълим масканларида ҳам, ўқиш ва ўқитиш борасида, айниқса, давомат масаласида бундай кўзбўямачиликка йўл қўймаслик қайд этилди. Шунингдек, мактаб директори Самариддин Эргашев ва 11-синф раҳбари Гулнора Каримоваларга оғохлантириш берилди. Умуман, юқоридagi мақола туман халқ таълими бўлими фаолиятида ҳамда мактабларда тартиб-интизомни назорат қилишда катта кўмак бўлди. Газетадан миннатдоримиз.

Каттақўрғон туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари
Ҳаётбек ОЧИЛОВ,



БУХОРО

НОГИРОН ҚИЗНИНГ НОГИРОНЛИК ГУРУҲИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

БУХОРО шаҳар адлия бўлими томонидан ўтказилган сайёр қабулда Бухоро шаҳрида яшовчи фуқаро Д.Жумаева оғзаки мурожаат қилиб, 2002 йилда туғилган фарзанди Тожибар Баҳодированинг "мия фалажи" ташхиси билан болалиқдан ногирон эканлиги, ҳозирги кунда эшитиш қобилиятини ҳам йўқотганлиги ва юрак хасталигига дучор бўлганлигини инобатга олиб, уни II гуруҳ ногиронлигидан I гуруҳ ногиронлигига ўтказишда амалий ёрдам беришни сўраган.

Адлия бўлими аралашуви билан Т.Баҳодирова қайта тиббий кўрикдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги "Тиббий

меҳнат экспертиза комиссиялари томонидан фуқароларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 195-сонли қарорининг тегишли бандлари асосида вилоят руҳий асаб касалхонаси қошидаги руҳий асаб касалликлари ТМЭК комиссияси томонидан ўрганилиб, унга I гуруҳ ногиронлиги берилди.

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,
Бухоро шаҳар
адлия бўлими бошлиғи



СУРХОНДАРЁ

ШЕРОБОД туман "Баҳигузар" маҳалласида яшовчи фуқаро Ў.Хўжамқуловнинг "Катта ҳаёт" маҳалласи, "Дехқон бозори" ҳудудидаги савдо дўкони туман ҳокимининг 2017 йил 24 майдаги қарорига асосан бузилган. Аммо бузилган савдо дўкони учун компенсация пулларини йиллар давомида тўлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Бундан норози бўлган тадбиркор компенсация пулини тўлаб берилишида амалий ёрдам сўраб, ўнлаб ташкилотларга шикоят аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлган. Мазкур мурожаат туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Мурожаат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига киритилган даъво аризасига биноан суднинг 2021 йил 20 майдаги ижро варақасига асосан Сурхондарё вилоят "СНОС" жамғармаси маблағи ҳисобидан Ў.Хўжамқуловга 111 миллион 865 минг 931 сўм компенсация пули тўлаб берилди.

Фарҳод РАҲМОНОВ,
Шеробод туман адлия бўлими
бошлиғи

КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ САЛКАМ БЕШ ЙИЛ ДЕГАНДА ТЎЛАНДИ



САМАРҚАНД

"Ишни бажардим, ҳаққим нима бўлади, бой ота?"

ЖОМБОЙ туманида фаолият олиб бораётган айрим мактабгача таълим муассасалари ходимлари ойлик маошларини ҳеч бир сабабсиз ололмаганликларидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган. Мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам тумандаги мактабгача таълим бўлимига қарашли болалар боғчаларида фаолият юритаётган 27 нафар ходимнинг ойлик маоши асоссиз равишда тўланмаганлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан, туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Фуқаролик суди томонидан мактабгача таълим ташкилоти ходимларининг қонуний манфаатларини кўзлаб, жами 230 миллион 937 минг сўм тўланмай қолган иш ҳақи ундириб берилди.

Фурқат ТУРСУНМУРОДОВ,
Жомбой туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

БУХОРО

МЕҲНАТ ҚИЛСАНГУ ҲАҚ ОЛОЛМАСАНГ...

БУХОРО туман адлия бўлими томонидан туман қишлоқ ҳўжалиги бўлимида ўтказилган сайёр қабул жараёнида "худудий ер тузувчилар" вазифасига ишга қабул қилинган 8 нафар етакчи мутахассиснинг 2021 йил апрель-июнь ойлари мобайнида 24 миллион 877 минг сўмлик иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ўз навбатида, туман адлия бўлими бу ҳолатга қонуний муносабат билдириб, иш берувчидан "худудий ер тузувчилар" вазифасидаги 8 нафар ходимнинг иш ҳақини ундириб бериш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига суд буйруғи

тартибда ариза киритиб, суд томонидан аризалар тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, туман адлия бўлими томонидан тумандаги касб-ҳунар мактабида ўтказилган сайёр қабул жараёнида ҳам иш берувчи томонидан 16 нафар ўқитувчининг 119 мил-

лиондан ортиқ иш ҳақи 2021 йил июнь ойидан буён тўлаб берилмасдан қопинаётганлиги аниқланди. Иш берувчидан ушбу иш ҳақларини ундириб бериш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига суд буйруғи тартибда ариза киритилди.

Суд томонидан туман адлия бўлимининг даъво аризалари қаноатлантирилиб, 16 нафар ўқитувчининг тўланмай қолган иш ҳақини ундириш ҳақида суд буйруғи қабул қилинди.

Улугбек ТЎХТАЕВ,
Бухоро туман
адлия бўлими
бошлиғи

НАМАНГАН

ИШ ВАҚТИДА ВАФОТ ЭТГАН ХОДИМГА ЗАРАНИ ТЎЛАМАГАН КОРХОНА СУДГА БЕРИЛДИ



УЧҚЎРҒОН тумани, "Дехқонобод" маҳалласида яшовчи фуқаро Ғофуржон Нуриддиновнинг 2020 йил июль ойида иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган ўгли Бобур Мўйдиновга нисбатан сугурта бадаллари тўланмаганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган марҳум Бобур Мўйдиновнинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари борлигига қарамасдан,

жавобгар корхона томонидан уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган бир йўла тўланиши лозим бўлган зарар тўланмаган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли ўтказилган зарарни тўлаш қоидалари"нинг 26-бандига мувофиқ, ходим меҳнат

жароҳатига боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга ёки марҳум вафот этган кунгача ундан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан сўнг туғилган фарзандига, шунингдек, ота-оналаридан бирига, умр йўлдошига ёки оиласининг ишламайдиغان ва вафот этганнинг 3 ёшга тўлмаган болалари, укалари, синглларга ёки набиралари парвариши билан банд бўлган

бошқа аъзосига зарарни тўлаши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига 140 миллион 224 минг 617 сўмлик даъво аризаси киритилиб, суднинг ҳал қилув қарорига асосан, иш вақтида вафот этган фуқаронинг оила аъзоларига зарар тўлаб берилиши таъминланди.

Азизбек ЁДГОРОВ,
Наманган вилоят адлия
бошқармаси масъул
ходими

ТОШКЕНТ

ТОШКЕНТ вилоят адлия бошқармаси томонидан "Тошкент агрокимёчиюя" худудий акциядорлик жамияти фаолиятида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши масаласи мониторинг қилинди. Мониторинг натижасига кўра, ушбу ташкилотда ишловчи 40 дан ортиқ ходимнинг ойлик иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланди.

40 НАФАР ХОДИМГА КЕЧИККАН ИШ ҲАҚИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ



Маълумки, Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги, Фуқаролик процессуал кодексининг 171-моддаси 5-бандида ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса суд буйруғи чиқарилиши белгиланган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан юқоридаги ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судига акциядорлик жамияти ходимларининг 506 миллион 545 минг 627 сўмлик ойлик иш ҳақларини ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди ва даъво суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Анвар АЛИЯРОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

ОИЛАЛАР ТИНЧЛИГИ ВАТАН ТИНЧЛИГИДИР

ХАР куни ФХДЁ бўлимларида жамиятимизнинг кўплаб янги оилалари қайд этилади. Мутахассислар ёш оилаларнинг никоҳини қайд этиш билан бирга, оила деб аталган муқаддас кўрғонга қадам қўётган йигит-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришади. Чунки янги оиланинг қонунийлигини таъминлаш билан бирга, унинг мустаҳкам бўлишига замин яратиш ҳам асосий вазифа ҳисобланади.

Самарқанд вилоятидаги ФХДЁ бўлимларида никоҳни қайд этиш масаласида муружаат қилаётган бўлажак ёш оила вакиллари билан доимий равишда учрашувлар ташкил этиш анъанага айланган. Ёшлар ўртасида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ажримга олиб келувчи омилларнинг олдини олиш, оилада соғлом маънавий муҳит, оила аъзоларида ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳини яратиш буйича суҳбатлар олиб борилади. Ходимларимиз юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ёшлар онига соғлом турмуш тарзини сингдириб боришни асосий мак-

сад деб билишади.

Яқинда Каттақўрғон, Самарқанд шаҳар 3-сон ва Каттақўрғон туман ФХДЁ бўлимларида бўлиб ўтган тадбирларда ҳам шу муҳим масалалар илгартирилди. Учрашувда сўзга чиққанлар эр-хотин, қайнона-келин муносабати, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ажрим ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, ҳануз бу соҳада муаммолар кузатилаётгани ҳақида сўз юритишди. Ёшларга мустаҳкам, бахтли оила

қуриш саодат эканлигини айтиб, ҳаётий тажрибаларидан сабоқ бердилар.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида Самарқанд вилоятида 33 минг 457 та никоҳ қайд этилди. Шундан 5 минг 284 таси ёш оилалар ҳисобланади. Шу йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЁ бўлимлари томонидан 100 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. 369 та хонадонларда ўрганишлар олиб борилди. Ўрганишлар давомида 505 та оила фарзандларининг туғилганлиги қайд этилмаганлиги, 200 та оиладаги эр-хотин шаръий никоҳ асосида яшаб келаётгани аниқланди. Олиб бо-



рилган чора-тадбирлар натижасида 362 та боланинг туғилганлиги, 57 та оиланинг никоҳлари қонуний тартибда қайд қилинди. Эрнинг биринчи никоҳи бекор бўлмаган 8 та оилага ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Энг асосийси, 47 та ажрим ёқасига келиб қолган оилалар яраштирилди.

Оила — Ватаннинг кичик бир бўлаги. Оилалар тинчлиги жамият тинчлиги, Ватан тинчлигидир. Шундай экан, оилаларимиз осойишталигини, мустаҳкамлигини асрайлик.

ДХА Самарқанд вилоят бошқармаси ахборот хизмати

АДЛИЯ вазирлиги Давлат хизматлари агентлиги ва БМТ Тараққиёт Дастурининг Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида ДХА ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар жамоатчилиги

билан алоқалар бўйича мутахассислари учун тренинг ташкил этилди.

Тренингларда грузиялик халқаро эксперт Нино Чичуа "Public Service Hall (Адлия уйлари)" тақдимоти, мақсад/қадрият/брендлаш, коммуникация ва маркетинг, хизмат сифати менежменти масаласида машғуллар олиб борди.

Алишер Файзуллаев "Story telling" форматада маълумот тайёрлаш, Мадина Рўзमतова эса, жамоатчилик билан алоқалар (PR)даги янги инструментлар (усуллар)га оид фикрларини мутахассислар билан ўртоқлашди.

Айниқса, бу борада халқаро тажрибага эга Джеймс Бридлиннинг халқаро платформалар учун матнлар тайёрлаш юзасидан берган тушунтиришлари барча учун қизиқарли бўлди.

Жамоатчилик билан алоқалар бўйича МУТАХАССИСЛАР УЧУН ТРЕНИНГ



ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ИШТИРОКИДА МАЛАКА ОШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ўтказилди.

Машғуллотлар давомида иштирокчилар жамоатчилиқнинг давлат хизматлари тўғрисидаги хабардорлигини оширишга доир бир қатор мавзулар — маркетингнинг 7 муҳим компоненти, хизмат сифати менежменти, негатив билан қандай ишлаш керак, жамоатчилик билан алоқалар (PR)даги янги усуллар, халқаро платформалар учун блогларни ёзиш тартиби каби долзарб йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларини оширишди.

Семинар-тренингнинг тантанали очилиш тадбирида Давлат хизматлари агентлиги директори У.Мухаммадиев сўзга чиқиб, соҳа ходимларининг меҳнат фаолияти давомида аҳамият қаратиши лозим бўлган масалаларга тўхталиб ўтди.

Лойиҳанинг асосий мақсади Давлат хизматлари кўламини кенгайтириш, тизимларни умумлаштириш, ташкилий тузилмани такомиллаштириш, бошқарувнинг стратегик воситаларини мустаҳкамлаш ва ушбу ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш учун зарур механизмларни кучайтириш орқали давлат хизматларини кўрсатишни кенгайтиришдан иборатдир.

Маҳаллий ва хорижий тренерлар, экспертлар 3 кун давомида ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Давлат хизматлари агентлиги ахборот хизмати



ОНЛАЙН ХИЗМАТ ОЛИШ ЁШ ВА ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

АСЛИДА ҳамма ишга югуриб, қозғоқ йиғишга ўрганиб қолган эканмиз... Мисрда саёҳатда чоғимда давлат хизматига эҳтиёж сездим. Тўғрироғи, электрон калит олишим жуда зарур бўлиб қолди. Аэропортнинг ўзидаёқ қўл телефонимдан tu.gov.uz сайтига кириб, электрон

имзо олдим.

Ҳақиқатча ҳайратданман. Чунки аввал тушунмасдим. Коронавирусга қарши эмланганлигим тўғрисидаги сертификатни биргина мобил қурилма орқали олса бўлар экан. Юмушим жуда осон битди. Йўқса, ортга қайтишга тўғри келарди.

Маслаҳатим, давлат хизматини онлайн шаклда олишни ўрганинг. Шундагина давлат хизматлари марказларига боришга ҳожат қолмайди. Мобил қурилмадаги тугмачаларни бошқаришни билсангиз бас!

Адолат НУРМАМАТОВА, Навоий шаҳри

ЯПОНИЯНИНГ Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришишди. Терма жамоамиз сафида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз Ватанимизнинг ҳақон миқёсидаги шон-шухратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшишди.

ОЛИМПИАДА ҚАҲРАМОНИ БИЛАН УЧРАШУВ



Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармасида XVI ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби, умумий ҳисобда 430 килограмм тош кўтариб, Олимпия рекордини ўрнатган ва Ватанимизга иккинчи олтин медални келтирган оғир атлетикачи Акбар Жўраев билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Токио — 2020 ёзги Олимпияда ўйинларида спортчиларимиз қўлга киритган ютуқлар ОНА Ватанимиз истиқлолининг 30 йиллигига муносиб совға сифатида барчамизга чексиз қувонч улашганлиги, дунёнинг энг кучли спортчилари қатнашган мусобақада мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилиш — ҳақиқий қаҳрамонлик эканлиги таъкидланди.

— Спортчи билдирилган ҳар қандай ишонч унинг олға интилишида катта куч беради, — деди Олимпияда рекордчиси ва чемпиони Акбар Жўраев. — Олимпия ўйинлари ҳар қандай спортчи учун катта синов ҳисобланади. Бугунги учрашувда эришган ютуқларимиз, Олимпияда ўйинлари йўлланмасини қўлга киритгунча бўлган машаққатли йўл, мусобақалардан олган таассуротларим ҳақида сўзлаб бердим.

Учрашув қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди. ДХМ ва ФХДЁ ходимларининг спортчи бераётган саволларидан уларнинг спортга, соғлом турмуш тарзига бўлган қизиқишлари юқори даражада эканлигини англаш қийин эмас. Айниқса, Олимпияда ғолибининг берилган саволларга ўз ҳаёти мисолида жавоб бериши учрашув иштирокчиларида самимийлигини уйғотди.

Учрашув якунида Акбар Жўраевга бошқарманинг эсдалик совғалари топширилди.

ДХА Тошкент вилояти бошқармаси ахборот хизмати

2021 йил 24 октябрь давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайлов жараёнларидан ҳар бир сайловчининг шахсан ўзи иштирок этиши орқали ўз сиёсий иродасини намоён қилишни тарғиб қилиш, сайловчиларнинг сайлов қончилиги бўйича ҳуқуқий билимларини юксалтириш адлия органларининг олдига турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.



САЙЛОВ — 2021 ЎЗ КЕЛАЖАГИНГ УЧУН ОВОЗ БЕР!

Ушбу вазифаларни чуқур англаган ҳолда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 7 июндаги қўшма қарори билан тасдиқланган аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан "Сайлов — 2021: ўз келажагинг учун овоз бер" шиори остида сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий, шу жумладан, сайлов қончилиги оид ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Сайлов кодекси ва унга киритилган сўнгги ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини содда, халқчил тилда баён этувчи ҳуқуқий тарғибот материаллари тўплами тайёрланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошчилигида тегишли идоралар билан ҳамкорликда 14 та ҳудудий сайлов тарғиботи гуруҳлари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошчилигида эса 200 дан ортиқ кичик ҳуқуқий тарғибот гуруҳлари шакллантирилди.

Аҳолининг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини оширишга қизиқиш уйғотиш мақсадида ҳудудларда "Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз", "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?", "Мен шахсан ўзим овоз бераман", "Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз", "Менинг овозим Ватан келажакка дахлдор" мавзуларида акциялар ташкил этилмоқда.

Аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида "Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки" мавзусида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Ҳогиронлар уйлари ва муассасаларида "Мен жамиятнинг тўлақонли аъзосиман" мавзусида тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳудудий адлия органлари масъулигида ташкил қилинган тарғибот гуруҳлари томонидан сайлов бўйича ҳуқуқий тарғибот тадбирлари "Сиз сайлов ҳуқуқларингизни биласизми?" мавзусида режа-график асосида ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари давлат органлари, маҳаллалар, қишлоқлар, меҳнат жамоалари кесимида семинар, давра суҳбати, савол-жавоб ва аҳолини қизиқтирадиган бошқа шаклларда ташкил этилмоқда.

"Advice.uz" ҳуқуқий ахборот портали орқали аҳолини қизиқтирган сайловга оид саволларига жавоб олинишни таъминлаш мақсадида порталда "Сайлов масалалари" бўлими яратилди ва сайловга оид қонунчилик бўйича содда, халқчил тилда тайёрланган маълумотлар жойлаштирилди. "Мадад" ННТ ходимлари томонидан фуқароларнинг сайловга оид муурожаатларига онлайн жавоб бериб келинмоқда.

Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ижтимоий тармоқлар ва ОАВ орқали ёритишда улар билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари тизимли давом эттирилмоқда.

Дилмурод РАЖАБОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУНЧИЛИК
ЯНГИЛИКЛАР
ҚОНУНЧИЛИК
ЯНГИЛИКЛАР



ЭЛЕКТРОН АГРОСАНОАТ БОЗОРИ ПОРТАЛИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

2021 йил 17 сентябрда "Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари йўқотишларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Агроекономика рақамлаштириш маркази" давлат муассасасида Электрон агросаноат бозори портали ташкил этилади.

Электрон порталда, жумладан:

- ички бозорни асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси доимий баҳоланади;
- хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида онлайн режимда кооперация алоқалари йўлга қўйилиб, электрон савдолар ташкил этилади.

Электрон портал 2021 йил 1 октябрдан 1 декабргача "тест режими"да ишлайди ва 2022 йил 1 январдан тўлиқ ишга туширилади. Қарорга кўра, "E-AUKSION" электрон савдо платформаси орқали ажратилган давлат мулк ҳисобланган ер участкалари ва бино-иншоотлар қиймати тадбиркорлар томонидан, истисно тарикасида, савдо ўтказилган санадан бошлаб бир йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш механизми жорий қилинади.



100 НАФАР ХОТИН-ҚИЗНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТИ ҲОКИМЛИКЛАР ТОМОНИДАН ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ

Ҳукуматнинг 2021 йил 17 сентябрдаги 585-сонли қарори билан ота-

онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили ўзларининг ҳудудларидан ўқишга кирган 25 нафардан ҳамда 2-4-курсда ўқиётган 75 нафар (ҳар бир курсдан — 25 нафардан), жами 100 нафар хотин-қизлар учун тўлов-контракт суммасини тўрт ўқув йилнинг якунланишига қадар тўлаб беради.

Молиявий барқарор давлат ОТМ томонидан уларнинг кенгашлари қарорига мувофиқ, 50 нафаргача хотин-қизлар биринчи ўқув йилида бепул ўқитилади.

Бунда талабгорларнинг кейинги ўқув йиллари учун таълим кредитлари расмийлаштирилади. Ҳокимликлар ўз ҳудудларидаги талабгорлар учун учинчи шахс кафилигини беради ҳамда ўқишни тамомлагандан сўнг уларни иш жойи билан таъминлайди.

Талабгорларни танлаб олиш қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- отаси ёки онаси ёҳуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган муҳтож қизлар;
- боқувчиси йўқ эҳтиёжманд ёлғиз аёллар.

Бунда юқоридаги мезонларга мос келувчи хотин-қизлар тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ижтимоий ҳолати тўғрисидаги маълумотномани ҳар йили 10 кун ичида ОТМ қабул комиссиясига тақдим этади.

Давлат ОТМ 5 кун мобайнида рўйхатни шакллантириб, ҳокимликларга ёзма равишда маълумот юборади.

Шунга кўра, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш комиссияси 15 кунда (лекин ҳар ўқув йилида 15 сентябрдан кеч бўлмаган муддатда) талабгорлар рўйхатини ҳамда шартномани имзолаш бўйича хулосаларни давлат ОТМга ёзма равишда киритади ва белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштирилади.

Мазкур тартиб тўлов-контракт асосида давлат ОТМ бакалавриятга (кундузги, сиртқи, кечки таълим шаклидан қатъи назар) талабалikka тавсия этилган ҳамда 2-4 курсларда таҳсил олаётган талабгорларга қўлланилади.


Қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиш учун танловда иштирок этган талабгорларга;

- Ўзбекистонда жойлашган хорижий ОТМ ёки таълим филиаллари, нодавлат таълим хизматлари билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектларига;
- олий ҳарбий таълим муассасаларига.

Талабгорлар жорий ўқув йили давомида ОТМни ёки таълим йўналишини ўзгартирса ёҳуд талабалар сафидан четлаштирилса мазкур имтиҳондан фойдаланиб бўлмайди.

Талабгорларни танлаб олиш натижалари "Aziz-ayol.uz" Ягона интерактив миллий платформаси орқали эълон қилинади.



38 ТА МАҲАЛЛАДА "ЭЛЕКТРОН КУЗАТУВ МАСКАНЛАРИ" ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Жорий йилнинг 20 сентябрида "Маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 588-сонли Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2021 йил 1 октябрдан 2022 йил 1 октябргача маҳаллаларда барпо этилган айрим "Жамоатчилик назорати масканлари" негизида "Электрон кузатув масканлари" фаолиятини ташкил этиш бўйича эксперимент ўтказилади.

Эксперимент доирасида:

- тадбиркорларга бериладиган масканлар ва уларнинг бинолари атрофида 6 квадрат метргача "Электрон кузатув масканлари" жойлаштирилади, қолгани тадбиркорлик учун 5 йил муддатга ижаранинг "ноль" ставкаси асосида берилади;
- масканлар ижара шартномаси асосида бериладиган тадбиркорлар "E-auksion" платформасида электрон танлов ўтказиш орқали аниқланади;
- ижара муддати тугагандан сўнг масканларнинг бинолари маҳаллага мулк ҳуқуқи асосида қолдирилади.

Шунга кўра, ҳудудларда тегишли 38 та маҳалладаги масканлар "Электрон кузатув масканлари" фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорларга ижара ҳуқуқи асосида берилади.

Шакарбой ҒАЙИБНАЗАРОВ,
"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот
маркази масъул ходими



Дилором РАСУЛОВА,
Фарғона шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус

ишбилармонларга, фермер хўжалиқлариغا берилаётган имтиёзли кредитларнинг гаров шартномалари нотариал тасдиқланмоқда. Натижада тадбиркорлик субъектларида минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, фермер хўжалиқларида эса мўл-кўл ҳосил етиштирилмоқда. Қолаверса, шахримизда ва вилоятимизнинг барча туман, шаҳарларида қурувчи тадбиркорлар томонидан барпо этилаётган замонавий, ҳамма шарт-шароитларни ўзида мужассам этган янги уйларнинг ипотека кредитлари билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширяпмиз.

Агар фикримизни рақамлар мисолида давом эттирсак, жорий йилнинг январь-август ойларида биргина Фарғона шаҳрининг ўзида 12 минг 335 та гаров ва ипотека ҳамда 1 276 та мулк ижара шартномалари нотариал тасдиқланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Нотариал палатаси томонидан жорий қилинган электрон навбатнинг йўлга қўйилгани ҳам тадбиркор ва ишбилармонларга жуда кўл келмоқда. Масалан, тадбиркор нотариус хизматидан фойдаланмоқчи бўлса, e-notarius.uz сайтида нотариус қабулига ёзилиши (ўзига қулай вақтда ва истаган нотариус қабулига), нотариусни қидириши (харитада энг яқин нотариусни ёки нотариал идорани топиши), электрон муурожаат қолдириши (олди-сотди, айрибошлаш ёки ҳаёда учун ариза бериши), нотариал хизматлар калькулятори ва бошқа шу каби қулайликлардан фойдаланиши мумкин. Пировардида тадбиркор нотариал идорага келиб, навбат кутиб, вақтини йўқотмайди. Қолаверса, нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун талаб қилинадиган ва турли ташилотлардан олиннадиган ҳужжат ҳамда маълумотномаларни ҳам нотариуснинг ўзи идоралараро электрон алмашинув орқали олади. Бунда ҳам тадбиркор идорама-идора сарсон бўлиб юрмайди. Агар тадбиркорга бирор-бир ҳуқуқий маслаҳат керак бўлиб қолса, "Нотариус маслаҳати" чати орқали электрон тарзда ўзини қизиқтирган саволларга жавобларни бепул олиши ҳам мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фарзандларимизда ёшлигиданоқ тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириб бориш орқали ҳам айна соҳанинг ривожланиши учун замин яратиш мумкин. Бинобарин, биз шахримиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларида, таълим муассасаларида амалга ошираётган ҳуқуқий тарғибот ишларимизда бунга жиддий эътибор қаратяпмиз. Бу эса шундоғам келгусида ўз бизнесини йўлга қўйишни дилига туккан кўпгина ёшларга жуда асқотмоқда. Тадбиркорлик борасида ишни нимадан бошлашни билмай юрган ёшларга бўлса, йўл-йўриқ вазифасини ҳам ўтамоқда. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ишларимиз билан маҳаллаларда "Ҳар бир оила тадбиркор" дастурининг ижросига ҳам ҳиссамиз қўшилипти. Зеро, ҳозир мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг аксарият қисми мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг янги иш ўринлари яратган тадбиркорни қанчалик эъзозлаши ҳақидаги фикрлари ҳам ана шундан.

АЗАЛДАН ҳар бир юртнинг бозорига, мазорига қараб баҳо берилган. Халқимиз орасида савобталаб инсонлар жуда кўп. Зиёдулло Мусаев ҳам ана шундай саховатли инсонлардан. У хайрли иш қилишни кўнглига тугиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шофиркон туманидаги Халқ қабулхонасига "Катта Карвонбоши" қишлоғида жойлашган "Чилдухтарон" қабристон атрофини девор билан ўраши ва буни ўзининг ҳомиёлигида, ўз маблағи ҳисобидан қилмоқчилигини айтиб, муурожаат қилди. Афсуски, ҳаётда ҳар хил кишилар бор. Савобталаб муурожаатини айтишича, бу хайрли ишни амалга оширишига шу қишлоқда яшовчи айрим фуқаролар томонидан қаршиликлар бўлаётган экан.

САВОБТАЛАБ ИНСОН МАҚСАДИГА ЕТДИ

Ушбу муурожаат юзасидан шу куннинг ўзидаёқ амалий ёрдам кўрсатилди. Шофиркон тумани Халқ қабулхонаси мудир Ф.Хафизов ва етакчи мутахассислар туман ҳокимлиги ободонлаштириш бўлими бош муҳандиси З.Фармонов, бўлим бошлиғи К.Ҳамроев, "Тезғузар" МФЙ раиси С.Ҳасанов, "Тезғузар" МФЙ "Катта Карвонбоши" қишлоғи вакили С.Каримовларни жалб қилган ҳолда масалани жойига чиқиб ўрганишди.

Ўтказилган ўрганиш жараёнида З.Мусаевга нисбатан бўлаётган тўсқинликлар юзасидан қишлоқ фаоллари билан суҳбат ўтказилди. Фуқаронинг эзгу мақсадда бошлаган иши қишлоқ вакиллари ва оқсоқоллари томонидан қўллаб-қувватланди. Йиғилганлар у жуда хайрли, яхши ишни

бошлаганини айтишди. Ҳомиё бўлаётган киши қаршиликларга чек қўйилганидан мамнун бўлди. Қабристон атрофини девор билан ўраб, обод қилишга ваъда берди.

Муурожаатчи қабристон атрофига девор тиклаш жараёни қурилиш нормаларига амал қилган ҳолда олиб борилиши зарурлиги тушунтирилди. Фаоллар бу эзгу ишга кўмакдош бўладиган бўлди.

Савобталаб ҳомиёга бу хайрли ишни ташкил қилишда дастлаб қаршилик бўлса ҳам унинг шашти сўнмади ва мақсадига эришди. Халқимиз орасида мана шундай журъатли, дадил, қатъиятли, савобталаб инсонлар кўпаяверсин.

Жасур ЭГАМБЕРДИЕВ,
Шофиркон тумани Халқ қабулхонаси
масъул ходими

МАЪЛУМКИ, сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖИДА НОТАРИУСЛАР ҲАМ ЧЕТДА ТУРИШМАЙДИ



Буни нафақат Юртбошимизнинг худудларга ташрифи мобайнида ёки бу борада қабул қилинаётган Фармон ҳамда қарорларда, балки унинг 2021 йил 20 август куни тадбиркорлар билан илк бор ўтказган мулоқотидан ҳам англаш мумкин.

Албатта, биз нотариуслар давлатимиз раҳбари бошлаган мазкур эзгу ишга ҳиссамиз қўшилаётганидан хурсандмиз. Хусусан, тижорат банклари томонидан тадбиркор ва

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ "РАД" ЖАВОБИ ЎТМАДИ



ПАРКЕНТ тумани "Бодомтепа" маҳалласи, "Тараққиёт" кўчасида яшовчи фуқаро О.Шерматова Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Паркент туман бўлими томонидан 1983-1984 йилларда Ташкент тўқимачилик комбинатида ишлаган иш стажлари ҳисобга олинмаётганлигидан норози бўлган ҳолда, ушбу масалада амалий ёрдам беришни сўраб, туман адлия бўлимига муурожаат қилган.

Адлия бўлими мазкур муурожаатни ўрганиш жараёнида фуқаро О.Шерматова ҳақиқатан ҳам, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Паркент туман бўлимига ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб, муурожаат қилганлиги ва тегишли ҳужжатларни тақдим этганлиги маълум бўлди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Паркент туман бўлими пенсия ва нафақаларни тайинлаш комиссияси томонидан эса фуқаро О.Шерматовадан қабул қилиб олинган ҳужжатлар ва туман шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивининг маълумотномасига асосан пенсия тайинлаш масаласи кўриб чиқилиб, 6 йил 45 ой 6 кунлик меҳнат стажы билан пенсия тайинлаш рад этилганлиги маълум бўлди.

Туман адлия бўлими томонидан О.Шерматованинг манфаатида Нурафшон туманлараро маъмурий судига муурожаат қилиниб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Паркент туман бўлими пенсия ва нафақаларни тайинлаш комиссиясининг 2021 йил 31 январдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳамда О.Шерматованинг Ташкент тўқимачилик комбинатида 1983 ва 1984 йилларда ишлаган даврини ҳисобга олиш мажбуриятини юқлаш тўғрисида шикоят аризаси киритилди. Мазкур шикоят аризаси суд томонидан қаноатлантирилиб, О.Шерматованинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

М. МИРҲОМИДОВ,
Паркент туман адлия бўлими
етакчи маслаҳатчиси

ҚУҚУҚШУНОС МИНБАРИ

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бевосита мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахснинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришни кўзда tutади. Яқинда – 2021 йил 16 сентябрда қабул қилинган "Судга мурожаат қилиш учун янада қулай шароитлар яратилиши ва фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳам тизимдаги ислохотларнинг яққол намоёнидир.

СОДДАЛАШТИРИЛГАН ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ЎҚУВ СЕМИНАРИ АНА ШУ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Янги қонун билан бир қатор тегишли кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қонунда қайд этилишича, энди суд ҳужжатларида (ажримлар, ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, апелляция ва кассация шикоятлари (протестлар), баённомалар ва бошқалар) бошқа маълумотлар билан бирга суд ишининг рақами ҳам кўрсатилиши лозим. Шунингдек, судьяларнинг суд ҳужжатларини рақами бўйича "Е-XSUD" ахборот тизимидан олишига имконият яратилганлиги муносабати билан апелляция ва кассация шикоятларига (протестига) иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг суд томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилинишига оид талаб чиқариб ташланади.

Бундан ташқари, Фуқаролик процессуал кодекси "Соддалаштирилган тартибда иш юритиш" деб номланган 25-боб билан тўлдирилди. Унда соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиладиган ишлар, уларни кўриб чиқиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги даъво аризига қўйиладиган талаблар белгиланди. Агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан, яқна тартибдаги тадбиркорларга нисбатан 10 бараваридан, жисмоний шахсларга нисбатан эса 5 бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилади.


Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилаётган иш аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан 20 кундан ошмаган муддатда суд муҳокама ўтказмасдан, тарафларни қақиртирмасдан ва уларнинг тўшунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади. Ушбу муддат узайтирилмайди. Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протест) берилмаган бўлса, қабул қилинганидан кейин 10 кун ўтгач кучга киради. Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Фуқаролик процессуал кодексининг 53 ва 122-моддалари тегишинча 2-қисм ва 91-банд билан тўлдирилди. Уларга мувофиқ давлат органи, ташкилот ва бошқа шахс томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тақдим этилган даъво аризасидан (аризадан) даъвогарнинг (аризачининг) воз кечиши, агар бу учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилмаса, даъво аризасини (аризани) кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Мазкур қонуннинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улўғбек туманлараро суди томонидан Юнусобод туманидаги 62-сонли оилавий поликлиникада "Фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилди" мавзусида ўқув семинари ташкил қилинди. Тумандаги барча шифокорлар иштирок этган аниқ семинарда судьялар соддалаштирилган иш юритиш тартибининг ўзига хос хусусиятларига батафсил тўхталиб ўтишди. Зеро, янги тартиб судларни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Жасур СИРОЖЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улўғбек
туманлараро суди судьяси

ЎЗБЕКИСТОН ҚАРДОШЛАР НИГОҲИДА...



ЖАҲОН адабиёти мухлислари озарбайжонлик шоира Ганира Пашаеванинг ижоди билан яхши таниш. Яқинда шоиранинг она Ватанимиз ҳақида ҳикоя қилувчи "Ўзбекистон қадим-бақадим" китоби нашр қилинди. Китоб муаллифи икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқалари, Ўзбекистоннинг ўзига хослигини ижодкорона нигоҳ билан кўриб, қалб тўла ҳеқикис мөҳр, зўр иштиёқ билан ҳикоя қилади.

тарош Эйнулла Алиев, Озарбайжонда туғилиб, пойтахтимиздаги олийгоҳда таҳсил олган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган озарбайжон шоири Ихтиёр Ризонинг Ўзбекистондаги ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзади.

Китобда икки давлатнинг дўстлик ришталарини боғлаш йўлида баракали ижод қилган бир қатор адабиёт, санъат, маданият намояндалари ҳақида ҳам ўқийсиз.

Муаллиф Ўзбекистондаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Китоб дунёси" газетасининг лойиҳаси билан Тошкентда ўзбек тилида нашр қилинган "Оч эшикни..." китоби тақдимотининг ўтказилиш кунларини ҳаяжон билан эслайди.

Озарбайжон Миллий Билимлар Академияси профессори, Евроис Халқор Изланишлар Институтини раҳбари Ганира Пашаеванинг куёшли Ўзбекистонга меҳри уфурин турган ушбу бебаҳо китоби озарбайжон тилида, Бокуда нашр қилингани ҳам сиёсий арбоб, ҳам адабиёт фидойиси бўлган ва аёлнинг юксак диди, юртимизга, халқимизга, тарихимизга, миллийлигимизга, адабиётимизга ҳурмати, катта қизиқиши, дил тўла меҳрининг бир парчасидир аслида.

Муаллифнинг юртимиздаги меъморчилик ёдгорликлари билан таниша туриб, Қафқол Шоший, Кўкалдош, Абулқосим, Бароқ хон мадрасалари, Занги ота, Шайх Хованд Тохур, Имом Бухорий зиёратгоҳлари, Абу Али ибн Сино, Баҳоддин Наҳшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Темурийлар тарихидан ҳикоя қилувчи лавҳалари озарбайжонлик китобхонлар учун нафақат Ўзбекистоннинг тарихи ва бугуни ҳақида ёзилган нодир асар, балки, озарбайжонлик дипломат тақдим этган туристик қўлланма, йўл харитаси ҳам бўла олади.

Гулбаҳор ОРТИҚҲҲАЕВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

вият маскани ҳақида мөҳр билан ҳикоя қилади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти, миллий қадриятлари, баҳорги Наврўзи олам васфи, сумалак сайлларини-ю, ўзбек чойи, Самарқанд аҳлининг меҳмондўстлиги-ю, ўзбекнинг шоҳона паловигача Ганирахонимнинг қалами билан озарбайжонча мадҳ этилса, муаллифнинг ўзи қай гўшага бормасин, ўзбекона либос кийиб, қадриятларимизни қадрлайди. Тошкент ҳақида ёзар экан, у мөҳр билан тарихи миллуддан аввалги IV ва III асрларга боғланадиган қадим шахримизнинг кундан-кун янгилашиб, чирой очиб бораётганини айтади. Тошкентни Турк дунёсининг маънавий пойтахтларидан бири, дея таърифлайди.

Адабий дўстлик тараннуми бўлган бу китобда Маҳмуд Шайхзоданинг "Турк миллати" шеърини олинган мисралардан тортиб Ўзбекистон Халқ шоири Зулфия билан Ҳамид Олимжонга аталган саҳифалар, Академик шоир Фафур Гуломнинг озарбайжонлик дўсти Самад Вургунга ёзган шеърини парчалар келтирилган.

Муаллиф Озарбайжон Маданият маркази ташаббуси билан очилган уй-музейлари, ўрнатилган ёдгорлик лавҳалари ҳар икки давлатнинг маданияти ва санъати, адабиёти учун умрини бағишлаган ижодкорлар учун қўйилган ҳайкал эканини айтиб, уларни хотирлайди. Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, машҳур театр ва кино ароби, ўзбек ва озарбайжон расмоси Юсиф Гусейновнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан очилган уй-музейи, Ўзбекистон Рассомлик академиясининг аъзоси, академиянинг Самарқанд филиали раиси бўлиб ишлаган таниқли озарбайжонлик ҳайкал-

Китобнинг муқаддимаси Ўзбекистоннинг Давлат рамалари тасвири, Давлатимиз Мадрҳияси матни билан бошланади. Муқаддимада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 15 октябрда Бокуда бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитидаги иштироки ҳақида сўз борса, китобнинг хотимасида давлатларимизро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари, ҳамдўстлик манзиллари суратларда ва рақамларда акс этган.

Озарбайжон Миллий Мажлиси депутаты, Маданият қўмитаси раиси Ганира Пашаева давлатларимиз ўртасидаги маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, адабий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида қаламга олган мавзу чин юракдан ёзилиб, самимият билан ёритилган.

Муаллиф Ўзбекистонга ташрифи чоғида кўрган-билганлари, ҳис қилганларини қаламга олар экан, ҳайратини яшира олмайди. Айниқса, китобда тарихи ва бугуни бетақдор пойтахтимиз Тошкент, кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива сингари асрлар тарихини ҳикоя қилувчи қадим шаҳарларимиздаги обидалар ҳақида алоҳида мөҳр билан ёзилган. Муаллиф Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳар бир қадамжого кирар экан, унинг тарихи билан қизиқади. Ўзбек халқининг буюк тарихи, аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос, улар яратган асарлар муаллифда катта қизиқиш уйғотади. Китобнинг мазмун-мундарижасини тартибга келтиришда муаллиф мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасидаги ўзига хосликка алоҳида эътибор қаратади. Ҳеч бир таассуротини қаламга олмай, эътибордан четда қолдирмайди. Ҳар бир обида, ҳар бир маъна-